O‘ZBEKISTON
# BUNYODKORI
IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

**№93 (846)** 2024 йил 22 ноябрь, жума

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

uzbunyodkor t.me/uzbunyodkor uzbunyodkor info@uzbunyodkor.uz uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ АЪЗОЛАРИНИ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2024 йил 21 ноябрдаги тегишли қарорлари билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аъзолигига номзодлар маъқулланди.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддасига мувофиқ:

**Ачилбай Жуманиязович Раматов** – Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари;

**Джамшид Анварович Кучкаров** – Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазири;

**Жамшид Абдухакимович Ходжаев** – Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари;

**Зулайхо Бахриддиновна Махкамова** – Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси;

**Лазиз Шавкатович Кудратов** – Ўзбекистон Республикаси инвестициялар, саноат ва савдо вазири;

**Ботир Эркинович Захидов** – Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири;

**Иброхим Юлчиевич Абдураҳмонов** – Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири;

**Шавкат Рахимович Хамраев** – Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазири;

**Шерзод Саиджанович Хидоятов** – Ўзбекистон Республикаси қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири;

**Илхам Рустамович Махкамов** – Ўзбекистон Республикаси транспорт вазири;

**Жўрабек Турсунпулатович Мирзамаҳмудов** – Ўзбекистон Республикаси энергетика вазири;

**Бобир Фархадович Исламов** – Ўзбекистон Республикаси тоғ-кон саноати ва геология вазири;

**Шерзод Хотамович Шерматов** – Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазири;

**Азиз Абдукахарович Абдухакимов** – Ўзбекистон Республикаси экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири;

**Асилбек Анварович Худаяров** – Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири;

**Хилола Уктамовна Умарова** – Ўзбекистон Республикаси мактабгача ва мактаб таълими вазири;

**Конгратбай Авезимбетович Шарипов** – Ўзбекистон Республикаси олий таълим, фан ва инновациялар вазири;

**Адхам Ильхамович Икрамов** – Ўзбекистон Республикаси спорт вазири;

**Озодбек Ахмадович Назарбеков** – Ўзбекистон Республикаси маданият вазири;

**Акбар Джурабаевич Ташкулов** – Ўзбекистон Республикаси адлия вазири;

**Бахтиёр Одилович Саидов** – Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири;

**Абдулла Хамидуллаевич Кулдашев** – Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазири;

**Пўлат Раззақович Бобожонов** – Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири;

**Баходир Низамович Курбанов** – Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзолари этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 114-моддасига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг бошлиғи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибига ўз лавозими бўйича киради.

2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2024 йил 21 ноябрь

## ТАЙИНЛОВ

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини тайинлаш тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ, Шерзод Саиджанович Хидоятов Ўзбекистон Республикаси қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири этиб тайинланди.**



*Ш.С. Хидоятовнинг Янги Ўзбекистонни бунёд этишдаги келгуси фаолиятида улкан муваффақиятлар, Президентимиз томонидан қурилиш соҳаси ходимлари зиммасига юкланган вазифалар ижросини таъминлашда куч-қувват тилаймиз.*

**ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИДА**

## Вазирлик масъуллари халқаро конференция иштирокчиси










**Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Давронжон Адилов Боку шаҳрида бўлиб ўтган БМТнинг иқлим ўзгариши бўйича Чоралар рамкавий конвенциясининг 29-конференцияси (COP29) доирасидаги тадбирларда иштирок этди.**

Хусусан, вазир ўринбосари “Климат бўйича кўп даражали ва кўп секторли ҳаракатларнинг юқори даражадаги очилиши” ҳамда “Юқори даражадаги давра суҳбати: Шаҳарларда транспорт ва инфратузилма” каби муҳим сессияларда чиқиш қилди. Давронжон Адилов иқлимий чораларни бошқарувнинг барча даража ва иқтисодиётнинг ҳар бир секторига интеграция қилишнинг аҳамияти хусусида тўхталди. Шунингдек, мамлакатимизда экологик барқарор шаҳар муҳитини яратиш учун қўлланилаётган комплекс ёндашувлар бўйича маълумот берди.

– Ўзбекистонда яшил инфратузилмани ривожлантириш бўйича стратегик вазифаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда, – деди вазир ўринбосари. – Жумладан, ҳар бир янги қурилиш объектининг ҳудудидан камида 30 фоизини яшил ҳудудларга ажратиш талаби жорий этилди. Бу эса минглаб гектар майдонни экологик тоза ҳудудларга айлантириш ва шаҳарлар атрофида яшил ҳалқалар яратиш имконини беради.

Шаҳарларда транспорт ва инфратузилма масалаларига бағишланган сессияда “Янги Тошкент” лойиҳаси ҳақида маълумот берилди. Унда таъкидланганидек, лойиҳа доирасида ҳудуднинг 50 фоизи яшил ҳудудларга ажратилади. Шунингдек, инновацион тизимлар, хусусан, чиқиндиларни пневматик йиғиш ва уларни қайта ишлаш тизими ҳам жорий этилади. Тадбирлар давомида вазир ўринбосари Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги шаҳарларни барқарор ривожлантириш ҳамда атроф-муҳитга салбий таъсирни камайтиришга қаратилган лойиҳаларни қўллаб-қувватлашини таъкидлади.

Бундан ташқари, конференция доирасида вазир ўринбосари бошчилигидаги масъуллар мамлакатимиз томонидан ташкил этилган павильонда ҳам бўлдилар. Павильон Ўзбекистоннинг ноёб маданий мероси, экология ва иқлим масалаларига барқарор ёндашувларини намойиш этишни мақсад қилган бўлиб, инсоннинг табиат билан уйғунлиги ҳамда оилавий қадриятларни ифодаловчи анъанавий ўзбек ҳовлисини акс эттирган. Давронжон Адилов конференция иштирокчиларини мазкур “Ички барқарорлик” деб номланган меъморий концепция билан таништирар экан, экологик материаллар ўзбек хонадонининг меъморий ечимларида муҳим ўрин тутишини қайд этди.

## Сирдарё вилоятида сайёр қабул ўтказилди

**Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Тоир Алиматов бошчилигида Сирдарё вилоятида сайёр қабул ўтказилди. Унда тадбиркорлар, БСК раҳбарлари ва аҳоли вакиллари соҳага оид ўзларини қизиқтирган муаммолар билан мурожаат қилишди.**

Сайёр қабулда аксарият аҳоли кўп қаватли уйларнинг томини таъмирлашда амалий кўмак сўраб мурожаат қилишди. Вазир ўринбосари бу вазият бўйича ишчи гуруҳ ташкил этиб, масалани ҳал қилиш юзасидан кўрсатма берди. Қабул давомида “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими билан боғлиқ муаммолар бўйича ҳам тадбиркорларга тегишли тавсиялар берилди. Шунингдек, рейтинг тизимида баллари тушиб кетаётган тадбиркорларга ҳар бир ҳужжатни янги мезон талабларидан келиб чиққан ҳолда тўғри тўлдириш, маълумотларни очиқ кўрсатиш, техника ва ходимларга ҳаққоний солиқларни ҳисоблаш – рейтинг баллари яхшиланишига олиб келиши тушунтирилди.

Сайёр қабулдан сўнг Тоир Алиматов кўп квартирали уйларга хизмат кўрсатувчи бошқарув сервис компаниялари фаолияти билан ҳам танишди. Аввало, куз-қиш мавсумини беталафот ўтказиш мақсадида бошқарув ташкилотлари томонидан амалга оширилаётган ишларга эътибор қаратилди. Шунингдек, уйларнинг том ва фасад қисмларини жорий таъмирлаш, маҳаллалар ҳудудини ободонлаштириш бўйича ҳам мутасаддиларга топшириқлар берилди.

Мутасаддилар Гулистон шаҳри “Аҳиллик” МФЙдаги 11-сонли мактабни реконструкция қилиш объектини ҳам кўздан кечиришди. Ҳудудда амалга оширилган ишлар қониқарсиз деб топилди. Қурувчиларга муносиб хавфсизлик шароити яратилмагани ва мактабга туташ ҳудуд очиқ қолдирилганлиги, қурилиш маданиятига эътибор қаратилмаганлиги сабабли масъулларга қаттиқ огоҳлантириш берилди. Шунингдек, “Навбаҳор” МФЙ ҳудудида қурилаётган 6-сонли мактаб қурилишида ҳам жиддий хато ва камчиликлар аниқланди. Унда лойиҳа бўйича ишлар амалга оширилмаётгани, хавфсизлик талабларига риоя этилмагани, канализация қувурлари гидроизоляция қилинмагани ва қурилиш ҳудуди ўраб олинмагани бўйича тегишли кўрсатмалар тақдим этилди.

Хизмат сафари давомида вазир ўринбосари Янгиер шаҳрида қурилаётган “Янги Ўзбекистон” массивидаги қурилиш ишларини ҳам кўздан кечирди. Қурилиш жараёнида каркаслар талабга жавоб бермаслиги, хомутлар тегишли тартибда ўрнатилмагани ва пойдевор қопламалари сифатсиз бажарилганлиги сабабли бузиб, қайтадан қуриш юзасидан вазифалар белгиланди.

## Самарқандда “BUILD PRO EXPO 2024 – III халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди

**Самарқанд шаҳридаги “SOF EXPO SAMARKAND” мажмуасида BUILD PRO EXPO 2024 – III халқаро қурилиш ва пардозлаш материаллари, қурилиш ускуналари ва техникаларига ихтисослаштирилган кўргазма бўлиб ўтди.**




Мазкур кўргазма Марказий Осиё қурилиш бозоридаги сўнгги тенденциялардан хабардор бўлишни хоҳловчилар ва ўз бизнесини халқаро миқёсда кенгайтиришни истаганлар учун кенг имконият эшикларини очади. Унда ҳар йили минглаб ташриф буюрувчилар ва юзлаб иштирокчилар қатнашади. Ушбу тадбир ўзаро тажриба алмашиш ҳамда бизнес алоқаларини ўрнатиш учун зарур платформага айланган.

Кўргазманинг очилиш маросимида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Тоир Алиматов сўзга чиқиб, мазкур тадбир соҳа мутахассислари учун муҳим воқеа эканлигини, кўргазма қурилиш, дизайн ва архитектура соҳасидаги инновацияларни намойиш этиш ва уларни ривожлантиришга оид долзарб масалаларни муҳокама қилиш учун муҳим майдонга айланишини таъкидлади. Кўргазмада қурилиш материаллари, мебел, санитария-техник воситалар, ёритиш мосламалари ва бошқа замонавий технологиялар бўйича етакчи компания ва ишлаб чиқарувчиларнинг ишлари намойиш этилди. Аҳамиятли томони, намойиш этилган маҳсулотларда дизайн соҳасидаги сўнгги ютуқлар, жумладан, БИМ технологиялари ва ақлли уйларни яратиш бўйича ҳам ечимлар акс этганлигини кўриш мумкин.

“BUILD PRO EXPO 2024 – III халқаро кўргазмасида Ўзбекистоннинг барча ҳудудларидан, шунингдек, қўшни ва МДҲ давлатларидан қурилиш соҳасидаги етакчи компаниялар, мутахассислар ва ишлаб чиқарувчилар иштирок этдилар. Хусусан, бу йилги кўргазмада Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университети жамоаси ҳам ўз лойиҳалари билан фаол қатнашди. Университетнинг кўргазма учун ажратилган жойидаги ишланмалар ва илмий лойиҳалар Туркия Республикасининг Самарқанддаги бош консули Салиҳ Санер, Қурилиш ва уй-жой комунал хўжалиги вазири ўринбосари Тоир Алиматов, Самарқанд вилояти ҳокимининг маҳаллий саноатни ривожлантириш масалалари бўйича ёрдамчиси Нозир Ибрагимовлар томонидан кўздан кечирилди.

Барқарор ривожланиш ва қурилиш соҳасидаги инновацияларни тарғиб қилишга қаратилган ушбу кўргазма иштирокчиларга тажриба алмашиш ва ҳамкорлик имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

**Ўз мухбиримиз.**

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№93 (846) 2024 йил 22 ноябрь



# Қурилиш ресурслари миллий классификатори:

# МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАР

**Абулқосим АБДУХОЛИҚОВ,** Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти маслаҳатчиси.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли фармон ва қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан Қурилиш ресурслари миллий классификатори электрон платформаси ишлаб чиқилиб, ишга туширилган эди. Сўнгги пайтларда ушбу платформа фаолиятига оид айрим мулоҳаза ва эътирозлар бўлмоқда.**

Хўш, ушбу платформа қандай мақсадларни кўзда тутади ва бу нима учун керак?

Гап шундаки, Қурилиш ресурслари миллий классификатори аввало, лойиҳа-смета хужжатларида нархнинг сунъий равишда кўтарилишининг олдини олади. Шунингдек, қурилишда хуфиёна иқтисодиётга шарт-шароитлар яратилишига ва объектларда сифатсиз материаллар ва ишлардан фойдаланишга барҳам беради. Қурилиш ресурсларининг батафсил таснифланиши ва шу орқали аниқ ном ҳамда код билан номланиши эса етказиб берувчилар орасида соғлом рақобат ва шаффофликни таъминлайди. Харидор ва сотувчи ўртасида тушунмовчиликларнинг олдини олади. Лойиҳалаш ва қурилиш жараёнини рақамлаштиришда, қурилишга BIM технологияларини жорий этишда, рақамли бошқарув тизимларидан фойдалашда ресурсларни батафсил таснифлаш мажбурий талаб ҳисобланади. Қурилиш материалларига ишлатилган хомашё, унинг ўлчамлари, механик хоссаларидан келиб чиқиб нархларни шакллантиришда ягона ёндошувни таъминлайди.

Шунингдек, мазкур платформа турли ишлаб чиқарувчилар ва уларнинг маҳсулотларини бир жойда жамлаб, базада бирлаштиради. Кенг аудиторияни очиқ ахборот билан таъминлайди. Бу эса ишлаб чиқарувчи ва сотувчиларга потенциал мижозларни жалб қилиш ҳамда бозорда янада самарали рақобатлашиш имконини яратади. Қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчиларининг дислокацияси орқали қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноати ҳамда хизмат кўрсатувчиларнинг республика, вилоятлар ва ҳудудлар кесимида таҳлил қилиш, ҳудудларнинг қурилиш материаллари ишлаб чиқариш салоҳияти, қуввати ва қурилиш материаллари нархини таҳлил қилиш, инвесторлар томонидан жойларда янги ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил қилиш бўйича қарор қабул қилиш имконини беради.

Келгусида платформа янада такомиллаштирилади. Бунинг натижасида қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчилари учун йирик олди-сотди платформаси ва МДҲ давлатлари ўртасида экспорт-импорт фаолиятини йўлга қўйиш имкони яратилади. Таъкидлаш ўринлики, халқаро тажриба асосида стандартларга мос бўлган номларда қурилиш ресурслари, уларни гуруҳларга ва бўлимларга таснифлаган ҳолда, ҳар бири учун алоҳида идентификация коди ва номланишини назарда тутувчи нархлар электрон каталоги шакллантирилди. Ҳозирги кунга қадар мазкур каталогда 1000 га яқин ишлаб чиқарувчи, етказиб берувчи тадбиркорнинг 35 000 га яқин маҳсулоти жойлаштирилган. Улар ўзларининг электрон рақамли имзолари орқали платформанинг шахсий кабинетида онлайн режимда маълумотларни қўшиш, таҳрирлаш ва бойитиш имконига эга.

Қурилиш ресурслари миллий классификатори Солиқ қўмитасининг 190 мингдан ортиқ МХИК коди билан уйғунлаштирилди. Эндиликда шартнома ва ҳисоб фактураларни шакллантиришда тадбиркорлар ҳамда харидорлар аввалгидек умумий номдаги эмас, балки аниқ кўрсатилган номдаги товар ва хизматларни кўрсатишлари мумкин. Бу эса, ўз навбатида, алданиб қолиш ёки тушунмовчиликларнинг олдини олади. Мазкур платформа Солиқ қўмитаси, Божхона қўмитаси, Товар-хом ашё биржаси, Ўзстандарт агентлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Статистика агентлиги билан ҳамкорликда уларнинг маълумотлар базалари билан интеграциялашган ҳолда ташкил этилган.

Албатта, жорий қилинган янги тизим билан ишлашда тадбиркорлар ва харидорларда бир қанча саволлар туғилиши табиий. Масалан, маҳсулотларнинг ўлчов бирликларини белгилашда ёки МХИК кодини танлаш ёки янги материалларга янги кодлар бириктириш каби саволлар пайдо бўлиши мумкин. Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти Солиқ қўмитасининг “Янги технологиялар” илмий-ахборот маркази билан ҳамкорликда тадбиркорлар томонидан берилаётган таклифлар ҳамда муаммолар билан тизимли ишлашни йўлга қўйган.

71- 210-11-04 рақами орқали тадбиркор ва харидорлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишлари мумкин.

# Янги кўприк “Янги Ўзбекистон” массивига тез ва қулай элтади

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Айни пайтда 2024-2025 йилларга мўлжалланган давлат дастурлари доирасида Жиззах вилоятининг барча ҳудудларида бунёдкорлик ишлари қизғин давом этяпти.**



Айниқса, Шароф Рашидов туманида барпо этилаётган “Янги Ўзбекистон” массивида жорий йил ҳисобидан фойдаланишга топширилиши режалаштирилган объектларнинг аксариятида асосий юмушлар ниҳоясига етказилмоқда. Кўп қаватли турар жойлар, ижтимоий соҳа объектлари қад ростлаши баробарида улар атрофи ободонлаштириб, инфратузилма ва коммуникация тармоқлари ҳам талаб даражасига келтирилмоқда.



Суратлар муаллифи Алишер Оқилов.

Булардан ташқари, массивга яқин ҳудуддаги маҳаллаларда истиқомат қилаётган аҳолига зарур шароитлар яратиш мақсадида ички йўлларни тартибга келтириш, мактаб ва болалар боғчалари ҳамда маҳалла биноларини қуриш, таъмирлаш, хонадонларни тоза ичимлик суви билан таъминлаш сингари долзарб юмушлар ҳам давом этмоқда. Бу борада 4 та маҳалла аҳолиси учун 7 километр масофадан қувур тортиб келинди. Яна иккита маҳалладаги трансформатор янгисига алмаштирилиб, симёғочлар янгиланди. Битта маҳаллада эса ўқув маркази ташкил этилиб, ёшларга турли касб сирлари ўргатилмоқда.

“Янги Ўзбекистон” массиви ва унга туташ ҳудудлар ҳар томонлама ибратга муносиб бўлиши учун зарур тадбирлар олиб борилаётгани боис, бу ер кун сайин чирой очмоқда. Қурилиш-монтаж ишларини жадаллаштириш билан бир қаторда ҳудудни Жиззах шаҳри билан боғловчи йўллар инфратузилмасини янада яхшилиш бўйича янги лойиҳа ҳам амалга ошириляпти. Яъни, умумий қиймати 143 млрд 900 миллион сўмдан иборат лойиҳага кўра, 4К – 253а йўлўтказгич (кўприк) Жиззах шаҳридаги Ислом Каримов номли шоҳкўчадан М – 39 “Тошкент-Термиз” халқаро аҳамиятга эга автомобиль йўлига уланиши белгиланган. Унинг баландлиги 14 метр, эни эса 24 метрдан иборат бўлади ва айни пайтда ушбу объектда замонавий техникалар ёрдамида бунёдкорлик ишлари уч сменада ташкил қилинган. Бу ерда меҳнат қилаётган ишчиларга барча шароитлар яратиб берилгани иш унумдорлигини оширмоқда.

Эътиборга молик томони, бу лойиҳа аввалларидан бирор жойда қўлланилмаган ва ишлатиладиган маҳсулотлари ҳам аниқ қилиб белгиланган. Масалан, объектни қуриш учун 10 минг куб цемент-бетон, 100 минг куб метр тупроқ ишлари ўзлаштирилади ва қурилиш-монтаж ҳамда асфальт ётқизиш 2025 йил охирига қадар якунига етказилиши белгиланган. Бунёдкорликлар жараёнида аҳоли учун бир қатор қулайликлар, яъни, тунги ёритгич чироқлари, пиёдалар учун махсус йўлакча ҳамда бошқа имкониятлар ҳам яратилиши режалаштирилган. Йўлўтказгич лойиҳасида атроф-муҳитга зиён етказмаслик масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, унга туташ жойларни кўкаламзорлаштириш ва қурилиш-монтаж ишларига ҳалал берадиган дарахтларни бошқа жойга кўчириш назарда тутилган.

Муҳими, “Янги Ўзбекистон” массивига олиб борувчи йўл салкам 15 километрга қисқаради. Шунингдек, мазкур объект тўлиқ ишга тушса, йўллардаги автотранспорт воситалари билан боғлиқ кўнгилсиз ҳодисалар ва тирбандликлар кескин камайишига эришилади. Ҳозирда “Боштранслойиҳа” акциядорлик жамияти томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа ҳужжатлари асосида дастлабки тадбирлар бошлаб юборилган. Режа бўйича жорий йил охирига қадар объектда камида 40 фоиз ишлар бажарилиши белгиланган.

# Автомобиль йўллари мавсумга шаймы?

**Автомобиль йўллари қўмитаси жами 42861 километр умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларига масъул ҳисобланади. Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари аҳамиятига кўра, халқаро – 3993 километр, давлат – 14203 километр, маҳаллий – 24665 километрни ташкил қилади. Хўш, ушбу йўлларнинг бугунги аҳволи қандай? Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари қишки мавсумга қай даражада тайёр?**



Бу ҳақда АОКАда ўтказилган брифингда Автомобиль йўллари қўмитаси ахборот хизмати раҳбари Нилуфар Жумаева батафсил маълумот берди.

Бугунги кунда умумий тармоқнинг 723,8 километридан ортиқ қисмида қайта қуриш ва тўлиқ таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Шундан, 177,7 километри жорий йил якунига қадар фойдаланишга топширилади. Шунингдек, 2024 йил умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари учун ажратилган маблағлар ҳисобидан 42000 километрдан ортиқ қисмда жорий таъмирлаш ишлари бажарилди. Йўл қатнов қисмларидаги нуқсонлар бартараф этилиб, ётиқ йўл белгиларини чизиш (разметка), йўл жиҳозлари ва белгиларида кўринишни яхшилаш, сунъий иншоотларни тартибга келтириш ишлари якунланмоқда.

Бу ишларга қўмита таркибий тузилмалари, хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар Автомобиль йўллари бош бошқармалари, “Ўзйўлқўприк” кластери ва улар таркибидаги жами 191 та туман йўллардан фойдаланиш ва мунтазам йўллардан фойдаланиш давлат муассасаси, “Ўзйўлқўприк” кластери вилоятлар филиаллари давлат муассасалари ҳамда 555 та йўл бўлимлари тўлиқ сафарбар этилган.

Автомобиль йўлларини қиш мавсумида яхши сақлаш махсус тайёргарлик ва ўзгарувчан иқлим шароитида тезкор ҳаракатларга тайёр бўлишни талаб қилади. Шу муносабат билан автомобиль йўлларида қишки мавсумда автотранспорт ҳаракатини узлуксиз ва хавфсиз ҳаракатланишини таъминлаш мақсадида қўмита тизим давлат муассасалари бўйича жами 2019 дона махсус техника ҳозирланган. Шундан, 365 дона қор тозалаш ва қум сепишга ихтисослашган машина, 243 дона автогрейдер, 36 дона бульдозер, 234 дона экскаватор ва юклагичлар, 1141 дона олд қор сургич билан жиҳозланган ва қумтуз аралашмасини ташишга мўлжалланган катта ва кичик русумдаги юк автомобиллари тайёр ҳолга келтирилган. 2024 йилда автомобиль йўлларини жорий таъмирлаш ва сақлаш ишларини бажариш учун 964 дона, ўтган йили эса 378 дона янги машина-механизм, автотранспорт воситаси ва жиҳозлар сотиб олинди.

– Қўмита тасарруфидаги ташкилотлар моддий-техника базаси йилдан-йилга янгиланиб, замонавийлаштирилмоқда, – деди Нилуфар Жумаева. – Бу эса ўз навбатида, автотранспорт воситаларини автомобиль йўлларда хавфсиз ҳаракатланишини таъминлашга, сақлаш ишларини тез ва сифатли бажарилишига шароит яратяпти. Шунингдек, йўл хўжаликлари моддий-техника базасини янгилаш ва модернизация қилиш ишлари ҳам давом этмоқда. Хусусан, қиш мавсумида умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида автотранспорт воситаларининг хавфсиз ҳаракатланишини таъминлаш, музгарчилик ва сирпанчиқни олдини олиш учун жами 63,4 минг тонна техник туз, 149,66 минг куб метр қум захира қилинган. 89,19 минг тонна қум-туз аралашмалари тайёрланган. Музламага қарши материаллар захираси ўтган йилга нисбатан 1,5 баробар кўп тайёрланган.

Булардан ташқари, тоғли ҳудудлардан ўтувчи (довон) автомобиль йўлларида об-ҳаво кескин ёмонлашиб, автотранспорт воситалари ҳаракати вақтинча чекланган пайтда фойдаланувчиларнинг хавфсизлик ва қулайлигини таъминлаш учун иситиш пунктларини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар белгиланган. Бу бўйича ҳам кўплаб ишлар амалга ошириляпти. Шу билан бирга, халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобиль йўлларининг 399 километр қисми тоғли ҳудудлардан ўтган бўлиб, уларга қиш мавсумида алоҳида эътибор қаратилади.

Бир сўз билан айтганда, қиш мавсуми ҳар доим ҳам йўлчилар учун синов даври бўлиб келган, бу йилги қиш ҳам бундан мустасно эмас. Соҳанинг бугунги кундаги техник таъминоти қиш мавсумининг инжиқликларини енгиб ўтишга хизмат қилади, деган умиддамиз.

**Ўз мухбиримиз.**

# Футзал ихлосмандлари кутган кун

**Болтабой МАТҚУРБОНОВ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Хоразм спорт мажмуаси ҳудудида Мини футбол (футзал) билан шуғулланиш учун кўркам спорт зали барпо этилди.**



Ушбу бино эски сув ҳавзаси ўрнида енгил конструкцияли сендвич панелдан қисқа фурсатларда қуриб битказилди. Мазкур иншоот республика миқёсидаги мусобақаларни ўтказиш учун барча зарур бўлган талабларга жавоб беради. Мухлислар сиғими 230 ўринни ташкил этади. Бинода замонавий тренажёр зали ҳам мавжуд.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси спорт вазири Адҳам Икрамов Хоразм вилоятига ташриф буюриб, Хоразм футбол академияси қошида янги барпо этилган ушбу ёпиқ спорт иншооти (футзал)нинг очилиш маросимида иштирок этди.

Бу масканда тарбияланаётган ёш футболчиларга улкан зафарлар тилаб, келажакда мамлакатимиз футболини дунёга танитадиган машҳур футболчилар бўлиб етишларига тилак билдирди.

## САМАРҚАНДДАН ДАРАКЛАР

# Қишга пухта ҳозирлик кўрилди

**Ҳамза ШУКУРОВ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Куз-қиш мавсумининг беталафот ўтиши бир қанча омиллар билан бир қаторда истеъмол учун қай даражада кўмир жамғарилишига ҳам боғлиқ. Самарқанд вилоятида 2024-2025 йиллар куз-қиш мавсумига ҳозирлик кўриш жараёнида бу соҳага жиддий эътибор қаратилди. Буни бюджет ташкилотлари, давлат хусусий шериклиги ва аҳолига режалаштирилган даражада кўмир тарқатилишига эришилаётганидан ҳам билса бўлади.**

Маълумотларга кўра, ҳозирга қадар вилоятдаги мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси, соғлиқни сақлаш бошқармаси, маданият бошқармаси, спорт бошқармаси, олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси тизимидаги барча муассасаларга режадаги кўмир маҳсулотлари 100 фоиз миқдорда етказиб берилган. Давлат хусусий шериклигидаги ташкилотларни кўмир билан таъминлаш 85 фоиздан ошган. Аҳоли истеъмолчиларига кўмир етказиб бериш ишлари эса жадаллик билан давом эттириляпти.

“Кўмиртаъминот” МЧЖ Самарқанд вилоят филиали “Мароқанд” омбори мудири Жаҳонгир Қаршибоев Вазирлар Маҳкамасининг “Республика истеъмолчиларига кўмир маҳсулотларини етказиб бериш механизмини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорининг ижроси бўйича таъкидлашича, Ургут, Пастдарғом, Оқдарё, Нуробод туманларида ҳам аҳолини кўмир билан таъминлаш ишлари кўнгилдагидек ташкил этилган.

# Тайлоқда замонавий уй-жойлар қурилмоқда

**Шаҳарлар ва туманлар марказларида барпо этилаётган кўп қаватли уй-жойларга қараб, улар ўртасидаги тафовутнинг йўқолиш даражасига етганини ҳис этади, киши. Шундай уйларга эга бўлганларга ҳамма ҳавас қилмоқда.**

Кўҳна Самарқандга туташиб кетган Тайлоқ туманида ҳам шундай уй-жойлар кўпаймоқда. Тумандаги “МД қурувчи” МЧЖ бунёдкорлари томонидан Кўрғонча марказида кўп қаватли уйлар қуриляпти. Айни пайтда улар 7 қаватли 63 квартирали янги бино қурилишини ниҳоясига етказиш арафасида. Ҳозирда Туркиядан олиб келинган замонавий лифт ҳамда қуёш панеллари ўрнатиляпти. Шунингдек, иссиқлик тармоғини барпо этиш ишларига ҳам киришилган.

# Марказий Осиё ректорлари форуми бўлиб ўтди




**Азизбек АБДУВАЛИЕВ,** Наманган муҳандислик-қурилиш институти матбуот котиби.

**Қирғизистон пойтахти Бишкек шаҳрида Марказий Осиё мамлакатлари олий таълим муассасаларининг ректорлари форуми бўлиб ўтди. Ушбу нуфузли форумда Ўзбекистон делегацияси таркибида Наманган муҳандислик-қурилиш институти ректори Шарифжон Эргашев ҳам иштирок этди.**

Анжуман Марказий Осиё институт ва университетлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, таълим ва фан нуқтаи назаридан миллий ривожланиш муаммоларини ҳал қилишда ҳар бир давлат салоҳиятини бирлаштириш ҳамда тажрибасини тақдим этиш имконини беради.

Ректорлар форуми доирасида Наманган муҳандислик-қурилиш институти ва Қозоғистоннинг Ал-Фаробий номидаги миллий университети билан ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Ушбу ҳужжат профессор-ўқитувчилар ва талабалар алмашинуви, илмий лойиҳалар борасидаги ҳамкорлик, ўзаро стажировкаларни ташкил этиш ва бошқа шу каби йўналишларни ўз ичига олади. Шунингдек, форум давомида Қирғиз-Турк Манас университети раҳбарияти билан ҳам ўзаро мулоқот ташкил этилди.

Айниқса, Наманган муҳандислик-қурилиш институти ректорининг “Ўзбекистон Республикасида олий муҳандислик таълим тизимининг такомиллаштирилиши: Наманган муҳандислик-қурилиш институти тажрибаси” мавзусидаги маърузаси форум иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Маърузада институтда энергетика йўналишида ташкил этилаётган муҳандислик мактаби, ушбу лойиҳанинг хорижлик ва маҳаллий ҳамкорлари, муҳандислик мактаби ташкил этишнинг механизм ва босқичлари ҳамда кутилаётган натижалар ҳақида батафсил маълумот берилди.

# Магистраль газ қувури янгиланди

**Беҳзод АҲМАДКУЛОВ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**“Шўртан-Сирдарё” магистраль газ қувури катта аҳамиятга эга бўлган, муҳим тармоқлардан бири ҳисобланади.**

Мазкур қувур республикамиздаги йирик муҳандислик иншоотлари бўлган “Сирдарё” ва “ACWA POWER SIRDARYA” иссиқлик электр станциялари ҳамда Тошкент вилоятининг Бекобод туманидаги 53 543 та аҳоли хонадони ва 1 595 улгуржи истеъмолчини табиий газ билан таъминлайди.



426 километр масофадаги бу тармоқдан 1980 йилдан буён фойдаланиб келинади. Самарқанд магистрал газ қувурлари бошқармаси томонидан бу йилги куз-қишга тайёргарлик ишлари доирасида “Шўртан-Сирдарё” магистрал тармоғида қувур ички диагностикаси ўтказилиб, унинг хулосаларида нуқсонли жойлар борлиги аниқланган эди. Шу кунларда олиб борилаётган таъмирлаш ишлари жараёнида қувурнинг нуқсонли қисмлари янгисига алмаштирилди.

Бугунги кунда қувурнинг Қашқадарё вилояти ҳудудидан ўтувчи 15-километрида олиб борилган таъмирлаш ишлари, йирик тармоқнинг ишончлилигини ошириб, табиий газ ўтказиш самарадорлигига ҳисса қўшади.


## ГУП “Служба заказчика в сфере строительства” Ферганского областного хокимията

### ОБЪЯВЛЯЕТ ТЕНДЕРНЫЕ ТОРГИ!

**Правительство Республики Узбекистан получило финансирование от Всемирного банка на реализацию проекта “Развитие сельской инфраструктуры” и намерено направить часть вырученных средств на выплаты по контракту для подрядных работ по следующим объектам:**

| № п/п | Номер контракта | Наименование объекта | Сметная стоимость согласно заключению Госэкспертизы (сум без НДС) | Срок строительства (календарных дней) | Залоговое обеспечение в виде банковской гарантии (сум) |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | MOEI-RIDP-FER-W-71 | Реконструкция электроснабжения населенного пункта МСГ “Сувлиарик” Язъяванского района Ферганской области | 1 588 740 975 | 90 | 31 774 820 |
| 2. | MOEI-RIDP-FER-W-72 | Реконструкция электроснабжения населенного пункта МСГ “Кувурбоши” Куштепинского района Ферганской области | 531 125 591 | 60 | 10 622 512 |
| 3. | MOEI-RIDP-FER-W-73 | Реконструкция электроснабжения населенного пункта МСГ “Гулистон” Язъяванского района Ферганской области | 253 958 037 | 45 | 5 079 161 |
| 4. | MOEI-RIDP-FER-W-74 | Реконструкция электроснабжения населенного пункта МСГ “Ватан” Куштепинского района Ферганской области | 1 597 285 755 | 90 | 31 945 715 |
| 5. | MOEI-RIDP-FER-W-75 | Реконструкция электроснабжения населенного пункта МСГ “Хужакишлок” Куштепинского района Ферганской области | 244 633 858 | 45 | 4 892 677 |
| 6. | MOEI-RIDP-FER-W-76 | Реконструкция электроснабжения населенного пункта МСГ “Янгидукон” Куштепинского района Ферганской области | 411 536 972 | 60 | 8 230 739 |
| 7. | MOEI-RIDP-FER-W-77 | Реконструкция электроснабжения населенного пункта МСГ “Дустлик” Куштепинского района Ферганской области | 572 650 392 | 60 | 11 453 008 |
| 8. | MOEI-RIDP-FER-W-78 | Реконструкция электроснабжения населенного пункта МСГ “Шодлик” Куштепинского района Ферганской области | 582 461 737 | 60 | 11 649 235 |
| 9. | MOEI-RIDP-FER-W-79 | Реконструкция электроснабжения населенного пункта МСГ “Зангат” Сохского района Ферганской области | 1 425 822 296 | 90 | 28 516 446 |
| 10. | MOEI-RIDP-FER-W-80 | Реконструкция электроснабжения населенного пункта МСГ “Кумтепа” Куштепинского района Ферганской области | 4 304 395 503 | 120 | 86 087 910 |
| 11. | MOEI-RIDP-FER-W-81 | Реконструкция электроснабжения населенного пункта МСГ “Сармозор” Куштепинского района Ферганской области | 4 237 644 380 | 120 | 84 752 888 |
| 12. | MOEI-RIDP-FER-W-82 | Строительство закрытого спортивного комплекса в школе №50 в МСГ “Кувурбоши” Куштепинского района Ферганской области | 2 378 939 252 | 130 | 47 578 785 |
| 13. | MOEI-RIDP-FER-W-83 | Капитальный ремонт, асфальтирование внутренних дорог 5-й категории в МСГ “Бостон” Куштепинского района Ферганской области | 2 135 839 149 | 90 | 42 716 783 |
| 14. | MOEI-RIDP-FER-W-84 | Реконструкция электроснабжения населенного пункта МСГ “Ленбур” Сохского района Ферганской области | 1 393 604 612 | 90 | 27 872 092 |
| 15. | MOEI-RIDP-FER-W-85 | Капитальный ремонт, асфальтирование внутренних дорог 5-й категории в МСГ “Ватан” Куштепинского района Ферганской области | 2 926 040 253 | 120 | 58 520 805 |

### ГУП “СЛУЖБА ЗАКАЗЧИКА В СФЕРЕ СТРОИТЕЛЬСТВА” ФЕРГАНСКОГО ОБЛАСТНОГО ХОКИМИЯТА

приглашает подрядчиков принять участие в торгах на выполнение вышеописанных работ. Торги будут проводиться в соответствии с процедурами национальных конкурсных торгов (НКТ), установленными в “Правилах закупок для заемщиков ФИП Всемирного банка” и в нем могут принять участие любые участники из правомочных стран, как определено в Правилах.

*По объектам электроснабжения необходимо наличие лицензии на строительство объектов повышенного риска (участник должен продемонстрировать действительную лицензию, дающую право на проведение высоковольтных работ).*

Участником торгов может быть частная или правомочная государственная организация. Заинтересованные правомочные участники торгов могут получить более подробную информацию в **Государственном учреждении “Консалтинговый центр по организации государственных закупок в сфере строительства Ферганской области”** и ознакомиться с тендерной документацией в рабочее время с 9.00 до 18.00 по нижеуказанному адресу.

Полный комплект тендерной документации на русском языке может быть приобретен заинтересованными участниками торгов по предоставлению письменной заявки по нижеуказанному адресу и оплаты невозмещаемого взноса. Сумма оплаты для покрытия расходов по распечатке и рассылке/транспортных расходов составляет 2 БРВ (базовая расчетная величина)**.**

**Получатель:** ГУ “Консалтинговый центр по организации конкурсных торгов в строительстве Ферганской области”.

**Банковские реквизиты:** Ферганский филиал АКБ “InFinBank” р/с: 2021 0000 2037 6761 8001 ИНН: 202 529 457 МФО: 01128.

Тендерные предложения должны быть действительны в течение 60 дней после вскрытия тендерных предложений и сопровождаться **залоговым обеспечением только в виде банковской гарантии** по прилагаемой к тендерной документации форме.

Тендерные предложения должны быть доставлены по указанному адресу не позднее **18:00** (по ташкентскому времени) **13 декабря 2024 г.,** где они будут вскрыты в присутствии участников торгов, желающих принять участие в этом процессе. Запоздавшие предложения будут отклонены.

**Цены тендерных предложений должны быть указаны без НДС.**

Подпроекты проведённые\проводящие на тендерной платформе в Национальном информационном агентстве “Шаффоф курилиш” не будут обсуждаться на заседании закупочной комиссии.

**Организация для подачи предложений:**

Государственное учреждение “Консалтинговый центр по организации государственных закупок в сфере строительства Ферганской области”.

**Адрес:** Ферганская область, г. Фергана, ул. С. Темура, дом, 111 “б”.
**Тел.:** (99899) 615-68-91, 615-68-92.
**E-mail:** fartender@mail.ru
**Ответственный представитель консалтингового центра:** М. Содиков.


# ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

## 2024 йил ноябрь ойининг 22 – 28 саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси **Умида Байзакова,** раҳбар котибаси **Наргиза Муратходжаева,** Кўп хонадонли уй-жой фондини бошқариш ва эксплуатация қилиш тизимини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари **Бабур Байзақов,**

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бош инспектори **Ажинияз Ажимуратов,**

“O‘zbekiston bunyodkori” ижтимоий-иқтисодий газетаси бош муҳаррири ўринбосари **Райҳона Хўжаева,**

“Qurilish sohasida axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini rivojlantirish markazi” ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва рақамлаштириш бўлими бош мутахассиси **Камолхон Неъматжонов,**

Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти мутахассиси **Абдулазиз Дўсёров,**

“Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти” Давлат муассасаси лойиҳа бош муҳандиси **Павел Терычный,** етакчи муҳандис **Динара Умарова, “Марказий” филиали директори Шоҳруҳ Абдураҳмонов,** бош мутахассиси **Сардор Райимов,**

“Ташгипрогор” АЖ гуруҳ раҳбари **Муқаддас Абдураҳманова, етакчи муҳандиси Наталья Невидомская,**

“Ўзоғирсаноатлойиҳа” АЖ ООРТР бош мутахассиси **Райҳона Низамутдинова,** муҳандис **Улуғбек Абдураҳманов,** етакчи муҳандис **Аҳрорхўжа Баҳриддинов,** ОИСК етакчи муҳандиси **Муратбек Султамуратов,** етакчи мутахассиси **Нигора Сафаева,** АСС-2 дизайн муҳандиси **Барно Маннопова,** ООПР ҳайдовчиси **Аброр Адилов,** электрик **Ренат Голяков,**

“O‘zshaharsozlikLITI” ДМ “Хоразм” филиали **Темур Аҳмедов,** хўжалик ва дастурий-техник таъминоти бошқармаси бош мутахассиси **Суннат Салихов,**

“Qo‘qon Loyiha Qurilish” МЧЖ архитектори **Исломжон Набижонов,**

Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси Мурожаатлар ва диспетчерлик хизмати шўъбаси бошлиғи **Дамир Салимов,** бош бошқарманинг хўжалик ҳисобида фаолият юритувчи бўлими етакчи мутахассиси **Бунёд Нарзуллаев,**

“Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” ДМ Жиззах вилояти филиали ҳайдовчиси **Ойбек Нормуродов,**

Қашқадарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси молия-иқтисод бўлими бош ҳисобчиси **Малик Эшмўминов,**

Навоий вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси ижро интизоми мутахассиси **Шоҳжаҳон Қурбонов,** Қурилиш-синов лабораторияси ва бино-иншоатларнинг техник ҳолатини ўрганиш бўлими мутахассиси **Юсуфжон Турниёзов,**

Наманган вилояти Наманган шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими архитектура ва қурилиш соҳаси бўйича бош мутахассиси **Шерзоджон Исмоилов,** Девонхона ва ижро назорати бўйича бош мутахассис **Бекзод Маликов,**

Сурхондарё вилояти Термиз тумани Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Отабек Саитов,**

Тошкент шаҳар Қурилиш бош бошқармаси бўлим бошлиғи **Аҳмаджон Фозилов,**

Фарғона вилояти Қўштепа тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими уй-жой ва коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассис **Акрамжон Алижонов,**

Бухоро вилояти Бухоро шаҳридаги “Муҳаммаджон Нозима таъмир қурилиш” БСК МЧЖ бош директори **Мурод Раҳимқулов,**

Қашқадарё вилояти Чироқчи туманидаги “Кўпга мадад” БСК МЧЖ бош директори **Рустам Алиқулов,**

Тошкент вилояти Тошкент туманидаги “Obod Ta’mir Xizmati Boshqaruv Kompaniyasi” МЧЖ бош директори **Шоҳиста Мўминова,**

Тошкент шаҳар Сергели туманидаги “Tezkor servis ID” БСК МЧЖ бош директори **Исоқ Турдиқулов**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, УЗОҚ УМР, ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК, МУСТАҲКАМ СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!**

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№93 (846) 2024 йил 22 ноябрь

# МУВАФФАҚИЯТ

## ўз билимини ҳамиша такомиллаштириб борадиган инсонларга насиб қилади

**Адҳам ЭГАМБЕРДИЕВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Инсон ҳақида шунчаки гапириб бўлмайди, деганди машҳур файласуфлардан бири. Дарҳақиқат, кимнингдир ҳаёти ҳақида ёзарканмиз, унга жиддий ва нозик ёндашишга ҳаракат қиламиз. Ушбу мақоламиз нафақат фидойи бир инсон, балки уюшқоқ ва аҳил жамоа ҳақида.**

**Фидойи инсон деганда кимни тушанамиз? Дейлик, бир инсон ўз меҳнати ва касби ортидан қисқа вақт ичида соғлиғининг бир қисмидан ажралса ва бу билан ҳеч кимнинг иши бўлмаса, яна келиб барча юк унинг елкасига тушсаю, шунда ҳам вазифасини бажаришда давом этса, бундай одамни фидойи деб аташ мумкинми? ! Ёки 30 йилдан ортиқ вақт давомида сув босиб ётган ертўлани тозалаган, ходимларини ўзига шерик ва дўст қаторида биладиган, аҳолининг дуосини олишга интиладиган одамни фидойи десак, арзийдими?**




Ҳа, бундай ишларни фақатгина фидойи инсонлар қила олишади. Қаҳрамонимиз ҳам ўзини касбига бағишлаб олган кам сонли инсонлардан бири – Асрор Арслонхўжаев.

У ёшлигидан тадбиркорликнинг турли йўналишлари билан шуғулланиб, тажриба орттирган. Коммунал соҳага 2017 йилда кириб келиб, 2021 йилда “OLMAZOR HOLDING GRAND” бошқарув сервис компаниясини ташкил этди. 2022 йил шахсан давлат раҳбарининг ташрифи билан очилган компаниянинг кейинги фаолияти анча баракали келди.



***– Аввалига коммунал соҳага тадбиркорликнинг бир шакли сифатида қарадим, – деди қаҳрамонимиз. – Узим мебель соҳаси билан ҳам шуғулланганим боис, дарров бутун диққатимни коммунал соҳага қаратдим, деб айтолмайман. Президентимизнинг компанияга ташрифи фикрларимни тубдан ўзгартириб юборди. Тўғрисини айтсам, Президентимизнинг ишончи ва таклифи билан янги ғоялар яратиш, фаолиятни кенгайтириш, аҳолини рози қилиш, инсон қадрини таъминлашга жиддий бел боғладим. Натижа ҳам ёмон бўлмади. 2022 йилда 67 та кўп қаватли уй билан фаолият бошлаган бўлсак, бугунги кунда улар сони 120 тага етди. Иш бошлаганимизнинг илк кунларида дебитор қарздорлик 6 млрдни ташкил қилган бўлса, бугун 2 млрд 700 млн сўм қолди. Тасарруфимиздаги уйлар томини деярли янгилаб бўлдик. Ертўлалардаги қувурларнинг 60 фоизи пластмасса қувурларга алмаштирилди. Қолаверса, қўшимча маиший-хизмат кўрсатиш тармоқларини, жумладан, болалар массажи, аёллар гўзаллик салони, гилам ювиш ва уй тозалаш хизмати, новвойхона ташкил қилдик. Бор диққатимизни аҳолига қулайлик яратиш, уларнинг ишончи ва ҳурматига эришишга қаратарканмиз, ўзимиз ҳам қилаётган ишимиздан мамнунлик сезамиз.***

Балки ҳали кенг бўй кўрсатмаётган бўлиши мумкин, аммо бошқарув сервис компанияларининг ташкил қилиниши соҳада янги бурилишга олиб келди. Эндиликда аҳоли билан яқиндан муносабат ўрнатиб, халқнинг ишончини оқлаётган компаниялар жамиятдаги ижтимоий вазифаларни ҳам ўз зиммасига олмоқда. Кўчаларда тозалик сақлашга риоя қилиш, одамлар ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатликни таъминлаш, тўлов маданиятига амал қилиш, нархга оид таърифларни алоҳида тушунтиришлар орқали шарҳлаб бориш аҳолида ўзига хос маданият шаклланишига сабаб бўлмоқда. Ҳозирда “OLMAZOR HOLDING GRAND” бошқарув сервис компанияси 120 та кўп қаватли уйдаги 27 мингга яқин аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Асрор Арслонхўжаев ҳам замон билан ҳамнафас бўлишга, янгиликларни тезда ўзлаштиришга ҳаракат қилади.

8 та маҳаллага хизмат кўрсатаётган компания ташкил этилганига кўп бўлмаган бўлсада, одамларга қилаётган сидқидил меҳнати орқали уларнинг розилигини олишга муваффақ бўлмоқда. Компания раҳбари ҳар бир маҳаллага алоҳида вакил тайинлаб, дам олиш кунлари сайёр қабул уюштириб, мавжуд муаммоларга ечим топишга одатланган. Айни вақтда компанияда 87 нафар ходим фаолият юритади. Асрор аканинг ишни ташкил қилишда ўз услуби бор. Ҳар бир ходим билан яқиндан муносабатда бўлишга, муаммоларини биргаликда ечишга интилади. Ишда “катталик” қилиш самара бермайди, деб ҳисоблайди. Энг ҳурматга лойиқ томони – ёшларга имконият бериб, ишонч билдиришида. Ёш кадрларни қўшимча иш билан шуғулланишга, доимий ўсиш учун ҳаракат қилишга ундайди. Сабаби, ҳар бир инсон ўсиш, кўтарилиш ҳуқуқига эга.

– Инсон қора ишчи бўлиб қолиши мумкин эмас, – деди Асрор Арслонхўжаев. – Ҳар доим ривожланиш ва савияни кўтаришга интилиш керак. Ҳар бир дақиқани, ҳар бир жойни ўзингизга имконият деб қарашингиз лозим. Баъзан шундай дамлар бўладики, беҳосдан кўзингга ёш оласан. Яшагинг, янада кўпроқ ишлар қилгинг келади. Бундай вазият ходимлар ва шогирдларнинг сенга бўлган ҳурмат ва садоқати, меҳри орқали содир бўлади. Ҳатто хонамни тозалайдиган тозалик масъулларига ҳам дўстона муносабатда бўламан. Жамоада ростгўйлик ва самимийликни асосий ўринга қўйганман. Ишга кириш учун билим ва тажриба роль ўйнаши мумкин, аммо жамоа сени қабул қилиши учун хушмуомала ва ростгўй бўлиш лозим. Инсон сифатида ҳаммамиз тенг, тажриба ва билимларимиз, фикрларимиз фарқ қилади холос. Ўйлайманки, муваффақият ҳамиша ўз билимларини такомиллаштириб борадиган инсонларга насиб қилади.

Асрор Арслонхўжаевнинг ўз ишини сидқидилдан бажаришини кузатиш жараёнида компанияда фаолият юритаётган ёш ходимлар билан ҳам суҳбатлашиб, фикрларини эшитишга муваффақ бўлдик.

## ЮРИДИК КОНСУЛЬТАЦИЯ

Компанияда шартнома асосида хизмат кўрсатадиган жамоа юристи Дониёржон Ўралов билан кўпчиликни қизиқтирадиган дебитор қарздорлик билан боғлиқ жараёнлар қандай кечаётгани ҳақида суҳбатлашдик.

– 99 фоиз ҳолатда судларда ютиб чиқяпмиз, – деди Дониёржон Ўралов. – Аслида, қарздорликнинг судгача бормаслиги мулкдор учун анча фойдали. Шунинг учун қарздорлик бўйича огоҳлантириш беришда тўғри ва содда ахборот етказишга, сабаб ва оқибатларни жўяли англатишга ҳаракат қиламиз. Кўпчилик мулкдорлар компания билан шартнома тузмагани учун тўловни амалга оширмаслигини важ қилишади. Аслида, ушбу соҳани тартибга солувчи қонун нормаларида шартнома тузиш мумкинлиги назарда тутилган, шарт ёки лозим деб белгиланмаган. Мулкдорларни эса шартнома тузишга мажбурлаб бўлмайди. Шартнома тузиш ихтиёрий ва ушбу соҳада асосан аҳолининг бошқарувчини танлаш бўйича йиғилиш баённомасига асосан иш юритилади.

Шунингдек, жамоа юристи ўз сўзида аҳолига қулайлик яратиш учун вазирлик томонидан электрон ҳисоб-китоб қилиш тизими ва электрон тўловларни амалга ошириш йўлга қўйилганлиги яхши имконият эканлигини таъкидлади. Коммунал тўлов учун уй-жойнинг умумий кадастрда кўрсатилган майдонидан келиб чиқиб, мулкдорлар мажбурий бадал тўловини ҳар ойда тўлаб бориш мажбурияти қонунда келтириб қўйилгани ва буни фуқаролар тўғри англаган ҳолда амалга ошириб борса, қарздорлик вужудга келмаслигини айтди.

– Яқинда 1200 га яқин мулкдорга қарздорликни бартараф этиш ҳақида огоҳлантириш жўнатдик, – деди Дониёржон Ўралов. – Шу билан бирга, қарз вақтида сўндирилмаса, судга ариза киритилиши мумкинлиги, бу ҳолда 375 минг сўм давлат божи, 18750 сўм почта харажати ва тўлов кечиктирилган ҳар бир кун учун 1 фоиз жарима маблағ ундирилиши ҳақида ҳам алоҳида огоҳлантирамиз. Аслида, томонлар судгача бир-бирини тўғри тушунаётгани ишимизни анча енгил қиляпти. Огоҳлантириш хатининг мулкдорларга иккита фойдали жиҳати борлигини ҳам айтиб ўтишимиз мумкин.

Биринчиси, сизга фалон сўм қарзингиз борлиги ҳақида огоҳлантириш хати боради, аммо қўлингизда маълум ойларда амалга оширган тўлов чеки бор. Бундай вазиятда компанияга ташриф буюрасиз. Тўлов чекларингиз тўлов қайдида кўринмай қолган бўлса, хатолик тузатилиб, масалага ойдинлик киритилади. Иккинчи фойдаси, компания билан орангизда қанча қарз борлиги ҳақида аниқ ахборот олишингиз ва вақтида уни бартараф этишингиз мумкин. Судларда



кўп ўртага ташланадиган яна бир ҳолатга ҳам ойдинлик киритиб ўтишимиз тўғри бўлади. Аксарият қарздорлик юқори ҳудудда фаолият юритадиган компаниялар маблағ йўқлигидан керакли ишларни амалга ошира олмайди. Аксига олиб, мулкдорлар компаниядан қилган ишлари юзасидан ҳисобот беришини талаб қилади.

Аҳоли бир нарсани яхши тушуниши керак, яъни барча бошқарув ташкилотлари мулкдордан олинадиган мажбурий бадал ҳисобига хизмат кўрсатади ва тўловлар ўз вақтида бўлганида тегишли хизматларни тақдим этишади. Агар тўловлар вақтида амалга оширилмаса, компаниянинг ҳам хизмат кўрсатиш имконияти, ишчиларга ойлик бериш қобилияти чекланиб боради. Бу эса ишлар жойида кетмаслиги, узоқ муддатли жараёнлар пайдо бўлишига сабабдир. Бу ҳолатда мулкдор ҳам, бошқарув ташкилоти ҳам зарар кўради. Хуллас, барча мулкдорларга қарздор бўлмаслик ва коммунал тўловларни ўз вақтида амалга оширишни маслаҳат берардик. Шу билан бирга, бутун республикадаги бошқарув сервис компанияларига ундирув бўйича масофадан ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, жараённи автоматлаштириш каби хизматларимизни ҳам таклиф қиламиз.

## IT ВА ЧЕКСИЗ ИМКОНИЯТЛАР



Ҳаётда кимдир жуда осон таслим бўлади, кимдир охиригача курашади. Яна бошқалар тайёр имкониятларга эга бўлмаганини баҳона қилса, бошқаси эса ўзига ўзи эшик очади. Ҳикоя қиладиганимиз эса иккинчиси – йўқ жойдан йўл қидирадиганлардан. Хуллас, ҳаммамизнинг оғирини енгил қилаётган Умиджон Асланов ҳақида.

Умиджон Асланов исмида ифода топганидек келажаги бор ёшлардан. Тошкент ахборот технологиялари университетини дастурчилик бўйича тамомлаб, соҳани мустақил ўрганган ҳолда ўз салоҳиятини мунтазам ошириб борди. Ўқишни тамомлаб, “OLMAZOR HOLDING GRANT” бошқарув сервис компаниясида IT мутахассиси сифатида фаолият олиб бормоқда. Ҳамкасбларининг айтишига қараганда, ҳафтада битадиган ишни тизимлаштириш орқали каррасига қисқартиришга эришаётган ёш ходим ҳамманинг жонига оро киргизмоқда. IT – янги замоннинг тили. У билан тил топишиш учун, албатта, замонавий технологияларни яхши ўзлаштирган бўлишингиз керак. Биз Умид билан соҳанинг имкониятлари ҳақида гаплашдик.

– Энг катта шароит истакнинг мавжудлиги, – деди ёш қаҳрамонимиз. – Чунки инсон истаган нарсасини қила олишига ишонаман. IT тараққиёт ва тезлик дегани. Ойлаб чўзилиши мумкин бўлган ишингиз бир зумда битиши, масалалар масофадан ҳал этилиши, ахборотлар бир зумда дунёга ёйилиши – ҳаммаси давримизнинг чексиз имкониятлари. Қолаверса, сунъий онг ривожланиб боряпти. Ўзимиз ҳам коммунал соҳани қўлдан келганча рақамлаштиришга ҳаракат қиляпмиз. Чунки минглаб амалларни битта буйруқ бериш орқали сонияларда бажариш мумкин. Осонроқ тушунишингиз учун айтаман. Мулкдорларга жўнатиладиган огоҳлантириш хатларини Excelдан Wordга интеграция қилиш орқали ортиқча вақт йўқотилишининг олдини олдик. Ҳар бир мулкдорга алоҳида файл очилишини инобатга олсак, ҳар бирини битталаб кўчириб ёзиб, маълумотларни жойлаб чиқишингиз керак. Аммо дастурлаш бундай демайди. Ўзингизга керакли кодни ёзиш орқали катта ҳажмли ишларни ҳам автоматлаштириш, осонлаштириш имконига эга бўласиз. Мен буни бугун билан яшай олиш деб ҳисоблайман. Сабаби IT иш самарадорлигини бир неча ўн баробарга оширади. Компаниямизда жараённи тўлиқ рақамлаштириш ҳаракатидамиз.

Хулоса қилиб айтганда, мақоламиз орқали замонавий раҳбар ва унинг замонавий ходимлари ҳақида ҳикоя қилишга уриндик. Уларнинг соҳадаги шижоатига урғу беришга, фидойиликларини рағбатлантиришга, қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилдик. “OLMAZOR HOLDING GRAND” жамоасига келгусидаги ишларида ҳам омад ёр бўлсин, деймиз.

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Батир Закиров
(Таҳрир ҳайъати раиси),
Шерзод Ҳидоятов,
Давронжон Адилов,
Тоир Алиматов,
Озода Жўраева,
Козим Туляганов,
Юлдаш Магрупов,
Жамшид Исмаилов,
Бобир Элмуродов,
Қудратбек Хошимбеков.

**ТАҲРИРИЯТ:**

Бош муҳаррир — **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир ўринбосари — **Райҳона Хўжаева**

Саҳифаловчи — **Акмал Махкамов**

Мусаҳҳиҳ — **Марҳамат Мусулмонқулова**

**Газета “Ўзбекистон бунёдкори” Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.**

**“ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ” НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси, “ЎзГАШКЛИТИ” ДУК, “Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ” ДУК, “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК МЧЖ, “ЎзгеорангметЛИТИ” ДУК.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**

100011, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 18-уй.
**Телефонлар:**
71-241-01-29 (қабулхона),
71-241-01-43 (таҳририят),
71-241-01-29 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** info@uzbunyodkor.uz

**ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:**

**Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-658-50-43.
**Андижон вилояти:** 93-410-15-18.
**Бухоро вилояти:** 99-704-66-69.
**Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.
**Қашқадарё вилояти:** 90-287-50-29.
**Навоий вилояти:** 99-731-17-40.
**Наманган вилояти:** 91-365-07-36.
**Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.
**Сирдарё вилояти:** 94-916-99-77.
**Сурхондарё вилояти:** 97-847-30-11.
**Фарғона вилояти:** 90-349-55-56.
**Хоразм вилояти:** 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-1141.
1490 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**КОРХОНА МАНЗИЛИ:**

Тошкент шаҳри,
“Буюк Турон” кўчаси, 41.

**Навбатчи муҳаррир** –
Р. Хўжаева.
**Навбатчи** –
А. Ҳақбердиев.

ЎзА якуни –
Топширилди – 22.35. 1 2 3 4 5 6

Газетанинг навбатдаги сони 2024 йил 29 ноябрь куни чиқади.